

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ АҲАМИЯТИ

Жуманиязов Шохрух Фарход ўгли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
3-ўқув курс 318-гуруҳи курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторининг солиқ органлари билан ҳамкорлигининг аҳамиятини, унинг мазмун моҳиятини, қонунчилик ва адабиётлардан фойдаланган ҳолда ушбу мавзунга таҳлил қилган.

Калит сўзлар: *ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, солиқ хизмати органлари, тўловларни тўлашдан бош тортиш*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор проанализировал важность сотрудничества инспектора по профилактике с налоговыми органами, его содержание, используя законодательство и литературу.

Ключевые слова: *правонарушение, профилактика правонарушений, органы налоговой службы, отказ от уплаты сбора.*

ANNOTATION

Through this article, the author analyzed the importance of cooperation of the prevention inspector with the tax authorities, its content, using legislation and literature.

Key words: *offense, prevention of offenses, tax service authorities, refusal to pay fees.*

Ўтган давр мобайнида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлашни ушбу идораларнинг энг асосий вазифасига айлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларининг самарали тизимини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятида ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда профилактика инспектори зиммасига юклатилган барча функцияларни самарали бажариш ҳар томонлама ҳудудда криминоген вазиятни ўрганишни, таҳлил қилиб боришни талаб қилади. Шундай экан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда энг аввало маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларни ўрганиши зарур.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг муаммоларини Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи тегишли идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш ҳамда ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 12 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмагани, оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайганлиги, шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли эканлигига эътибор қаратди¹.

Ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий муносабатларнинг муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсирнинг бу йўналиши ҳуқуқни кўриқловчи функциясини ташкил этади. Ҳуқуқни кўриқловчи функцияси – унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади².

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари

¹ Ички ишлар органлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди.
<https://president.uz/uz/lists/view/4164>

² ИИВ Академияси тингловчиларнинг илмий мақолалар тўплами 91-бет Тошкент-2017 йил.

юзасидан терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноят ишлари қўзғатиш ҳамда суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш каби вазифаларни қамраб олади.

Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август куни қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади³. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш каби орақали иштирок этадилар⁴.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида давлат солиқ хизмати тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди⁵.

Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсинувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар⁶.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат солиқ хизмати органлари билан ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар,

³ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрдаги «Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонуни // № ЎРҚ–136 // URL: <http://www.lex.uz>;

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 49.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 49.

⁶ Ўша манба. 49-б.

ўтказилаётган текширувлар тўғрисида ўзаро келишув бўйича аниқланадиган тартибда бир-бирини хабардор қилади, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда хабардор қилади, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб туради.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат солиқ хизмати органлари билан ҳамкорликда солиқ текшируви материаллари кўриб чиқиладиганда ҳисобланган ёки ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аломатлари мавжудлиги, қўлланиладиган молиявий санкцияларнинг миқдори ва хусусияти, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланади.

Профилактика хизматларининг ички ишлар органлари бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлиги: *биринчидан*, биргаликда йўриқномалар ўтказишда; *иккинчидан*, ҳуқуқбузар ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида ахборотларни ўзаро алмашишда; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар жумладан, жиноятларнинг содир этилиш сабаби ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишда; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятларнинг олдини олишга доир илғор тажрибаларни ўзаро алмашишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарорига мувофиқ ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланганлиги муносаби билан маъмурий ҳудудларда қонунбузилиш ҳолатлари, шу жумладан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қонунбузарлик содир этган шахсларни атрофлича муҳокама қилиш учун давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш ўзининг самарасини бермоқда⁷. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори// URL: <http://www.lex.uz;>

ҳуқуқбузарликларни келиб чиқиш сабаблари сайёр суд мажлисларида атрофлича таҳлил қилинмоқда. Хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида айрим ҳуқуқбузарликлар жойларда муҳокама қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шаройит яратиб берилган омиллар атрофлича таҳлил қилиниб, келгусида салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида тегишли чоратадбирлар амалга оширилмоқда⁸.

Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад жиноятчиликни олдини олиш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, шунингдек тадбирлар давомида тадбиркорлик субъектлари, жисмоний ва юридик шахслар билан суҳбатлар ўтказиш орқали ҳуқуқбузарлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахсларни келгусида ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олишининг энг самарали йўли бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дорасида фуқаролар ўртасида тарғиботташвиқот тадбирлари ҳам ўтказилмоқда.

Профилактика хизматларининг давлат солиқ хизматлари билан ҳамкорлиги маъмурий ҳудудда солиқ соҳасига оид бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бундай ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориш жараёнидир.

М.З.Зиёдуллаев ўз тадқиқотларида таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизмат ходимларининг ўзаро ва уларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш *биринчидан*, ушбу ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шаклларининг, куч ва воситаларнинг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлигига; *учинчидан*, ҳамкорликнинг муҳим шarti бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир⁹, деб таъкидлайди.

Маъмурий ҳудудда профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат солиқ хизматлари билан

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори// URL: <http://www.lex.uz;>

⁹ Икрамов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-методик қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 9.

ҳамкорлиги жараёнида солиқ соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жинойтчиликнинг профилактикасини қамраб олади. Шу боис, «профилактика инспектори» атамасини «ҳамкорлик ташкилотчиси» атамаси билан маънодош деб ҳисоблаш мумкин¹⁰.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий негилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, жумладан ички ишлар органларининг таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идоралари ва ташкилотларида Президентимиз ташаббуси билан “очиқ эшиклар куни” ташкил этиш орқали, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришлар ташкил этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйичакўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини ешитиш ҳам шу йўналишдаги ишларни самарасини оширмоқда.

Профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат солиқ хизматлари билан ҳамкорлиги жараёнида аниқланган солиқ билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, солиқ текшируви материаллари ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун тегишли чораларни кўриш амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт¹¹.

Маъмурий ҳудудларда давлат солиқ хизмати органлари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва

¹⁰ Организация работы участковых инспекторов милиции / Под. ред. Ф. Е. Колонтоевского. –М., 1992. –С. 81; Организация деятельности участковых уполномоченных милиции. –Екатеринбург, 2002. – С. 7.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактлари юзасидан судларга тегишли ишларни ўз вақтида ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ишларни судда кўриб чиқиши ва зарурий чоралар кўрилишини таъминлаш лозим. Шу билан бирга мазкур жараён орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоясини таъминлай олади. Зеро, ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади¹².

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида аниқланган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

–солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш;

–маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

– солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш;

–солиқ тўловчиларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъволар қўзғатиш;

– солиқ тўловчига мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳақида ҳамда солиққарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш;

– солиқ тўловчи солиқҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, солиқларнинг ортиқча тўланган суммаларини бошқа турдаги солиқлар бўйича солиққарзини, пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида тегишли молия органларига мустақил равишда хулоса тақдим этиш.

¹² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни// URL: [http://www.lex.uz/](http://www.lex.uz;);

Умуман олган, давлат солиқ хизмати органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маъмурий ҳудудларда солиқ соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашда ҳамда соҳавий хизматларни ҳамкорлигини янада жадалаштиришга хизмат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ички ишлар органлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. <https://president.uz/uz/lists/view/4164>
2. ИИБ Академияси тингловчиларнинг илмий мақолалар тўплами 91-бет Тошкент-2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрдаги “Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги “Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонуни // № ЎРҚ–136 // URL: <http://www.lex.uz;>
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ:Қонунга шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – Б. 49.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори// URL: <http://www.lex.uz;>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори// URL: <http://www.lex.uz;>
7. Икрамов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-методик қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. – Б. 9.
8. Организация работы участковых инспекторов милиции / Под. ред. Ф. Е. Колонтоевского. –М., 1992. –С. 81; Организация деятельности участковых уполномоченных милиции. –Екатеринбург, 2002. – С. 7.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни// URL: <http://www.lex.uz;>